

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 9 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 9 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик  
Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:  
[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Mamajonov Rahimjon Akramovich*

“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O’RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHЛИLI ..... 10-16

*Облобердиев Жасурбек Косим угли*

МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ ..... 17-22

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Tursunov Bekmuhammad Om'onovich*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ..... 23-34

*Kurpajaniidi Константин Иванович*

ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ ..... 35-44

*Ahmedov Shohjaxon*

O’ZBEKİSTONDA CHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHЛИLI ..... 45-51

*Кулибоев Азамат Шоназарович*

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛЬТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 52-62

*Rўзиев Абдумалик Ортиғалиевич*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҶАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АҲБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ..... 63-73

*Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna*

TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH ..... 74-80

*Davronov Istamxo’ja Olimovich*

МЕНМОНХОНА XIZMATLARI RAQOBATBARDOSHLIGI VA SIFATINI BAHOLASH USULLARI ..... 81-86

*Маматов Баҳадир Сафаралиевич*

ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 87-96

*Шолдаров Дилшод Азимиiddин ўғли*

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТҮЛАШ ТАРТИБИ ..... 97-104

*Баратов Махсудали Назиралиевич*

МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ..... 105-116

<i>Ergashev Islom Ismoilovich</i>	
KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI .....	117-127
<i>Кодиров Азизжон Анварович</i>	
ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ .....	128-136
<i>Эшонқулов Акмал Кудратович</i>	
ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	137-142
<i>Астанов Шерзод Рустамович</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАЛЬ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	143-150
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Abdullayev Ibodulla Abdullayevich</i>	
YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI .....	151-155
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR .....	156-164
<i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i>	
BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI .....	165-174
<i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i>	
UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI .....	175-179
<i>Рахманов Баҳодир</i>	
СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	180-186
<i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i>	
ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI .....	187-191
<i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i>	
JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI .....	192-197
<i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i>	
XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOIY BARQARORLIKKA TA'SIRI .....	198-202
<i>Azimov Sherzod</i>	
PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY .....	203-207
<i>Абдурахмонович Ҳасан Иброҳимович</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	208-216

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Kuliyeva Dilshoda Aljon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI ..... 217-223

*Tешабаева Диляфузә Муминовна, Абдухалирова Гулбаҳор Карабаевна  
ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА*

ЯСАЛИШИ ..... 224-230

*Abdinazarov Uktam Qushoqovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI..231-236

*Axmedova Shaxodat Maxmutovna*

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

*Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich*

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI ..... 242-246

*Vositov Otobek Toxirjonovich*TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIK  
GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI ..... 247-253*Нодир Раҳматуллаев*

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ ..... 254-260

**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..... 261-270

*Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li*O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI  
INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI ..... 271-276**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV  
KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH ..... 277-281*Umarova Zaxro Abduraxim qizi*TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH  
(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI ..... 282-287*Kadirov Ramz Turabovich*TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI  
TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEKNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI  
MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) ..... 288-295*Khabiba Madaminovna Jurabekova*THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE  
COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS ..... 296-302

<i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i>	
KLASTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELLASHTIRISH MASALALARI .....	303-310
<i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i>	
MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI .....	311-316
<i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH .....	317-322
<i>Yulbarsova Xurshida</i>	
BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK JIHATLARI .....	323-329
<i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i>	
BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH .....	330-335
<i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI .....	336-341
<i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i>	
AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH .....	342-346
<i>Askarova Zulayxo</i>	
BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI .....	347-352
<i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i>	
EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS .....	352-362
<i>Jumaniyazova Go'zal</i>	
OLIY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALТИRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI .....	363-367
<i>Хусаинова Лейла Юнусова</i>	
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ .....	368-373
<i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i>	
MATEMATIK KREATIV TAVSIFDAGI MASALALARINING BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA KREATIV FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI .....	374-379
<i>To'xtasinov Muhammadjon</i>	
PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI .....	380-384

*Eshnazarov Murod Karimovich*

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI ..... 385-391

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли**  
Тошкент молия институти  
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, доцент

## **КАМ ТАЪМИЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

**Аннотация.** Мақолада ижтимоий соҳа тизимиning асосий йўналишлари бўлган ижтимоий ҳимоя тизими, давлат ижтимоий сиёсати, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ёрдам дастурлари доирасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, кам таъминланган оилаларга болалар нафақасини тайинлаш, кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш масалалри ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий соҳа, ижтимоий ҳимоя тизими, моддий ёрдам, болалар нафақаси, ижтимоий ҳимоя ягона реестри.

**Sholdarov Dilshod Azimiddin o'g'li**  
Tashkent institute of finance  
Doctor of Philosophy in Economics

## **PROCEDURE FOR APPOINTMENT AND PAYMENT OF PENSIONS AND MATERIAL ASSISTANCE FOR LOW-INCOME FAMILIES**

**Abstract.** In the article, the main directions of the social sphere system which the social protection system, state social policy, strengthening the social protection of citizens and reducing poverty, providing financial assistance to low-income families, assigning financial assistance to low-income families within the framework of social assistance programs, assigning child benefit to low-income families, issues of identification of low-income families through the information system of the "Unified Register of Social Protection" are explained.

**Key words:** Social sphere, social protection system, material assistance, child allowance, unified register of social protection

**Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли**  
Ташкентский Финансовый Институт  
доктор философии по экономических наук

## **ПОРЯДОК НАЗНАЧЕНИЯ В ВЫПЛАТЫ ПОСОБИЙ И МАТЕРИАЛЬНОЙ ПОМОЩИ МАЛОИМУЩИМ СЕМЬЯМ**

**Аннотация.** В статье определены основные направления системы социальной защиты населения, которая является составной частью социальной сферы, государственной социальной политики, также определены меры по усилению социальной защиты и сокращения бедности граждан, оказание материальной поддержки малоимущим семьям, меры по назначению материальной помощи

малоимущим семьям на основании социальных программ, изучены вопросы определения малоимущих семей по информационной системе "Единый реестр социальной защиты".

**Ключевые слова:** Социальная сфера, материальная помощь, пособия детям, единый реестр социальной защиты.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N11>

**Кириш.** Жамиятда фуқароларни ижтимоий жиҳатдан тўла таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига моддий жиҳатдан кўмак бериш, давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим ва ажралмас бўлгидир. Инсоният цивилизацияси юзага келган даврдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар жамиятда кексалар, меҳнатга лаёқатсизлар, вояга етмаганлар ва бошқа ижтимоий таъминотга муҳтожларни жамият томонидан яратилган моддий неъматлардан жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида баҳраманд бўлишларини таъминлаш тизими шаклланиб келди ва ҳозирги даврда ҳам ижтимоий таъминот ва пенсия таъминоти тизими ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди[1].

Инсон тараққиёти комплекс характерга эга бўлиб, инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондириш, унинг тиббий хизмат, таълим, ижтимоий таъминот олиш, ўз қобилиятини кўрсатиш эркинлигига, бугунги ва келгуси авлодлар хавфсизлигига бўлган ҳуқуқларини таъминлашни ўз ичига қамраб олади. Шундай экан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини, жумладан, кам таъминланган болали оиласарни аниқ йўналтирилган тарзда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод вакиллари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш давлат кафолати остида эканлигини унитмаслигимиз лозим[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги “Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси”даги 2023 йилдаги устувор йўналишларнинг иккинчи йўналишида, “Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак”. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир[3]. Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Хусусан, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирда ёрдам олган оиласарнинг сони 2 миллионни ташкил этсоқда. Ўз навбатида, ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар қўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада тадқиқотнинг таҳлил, синтез, иқтисодий усул, мантиқий таҳлил ва абстракт фикрлаш каби усуслардан фойдаланилган.

**Адабиётлар шарҳи.** “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан қурашиш қўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонда, Бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва қўмакка муҳтоҷ оилалар моддий таъминотини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда умумэътироф этилган халқаро стандартларни ва автоматлашган шаффофф электрон баҳолаш механизmlарини жорий этиш орқали нафақаларни тўлаш тизимини болалар салоҳиятини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган аниқ йўналишлар берилган[4].

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)ларнинг фарзандларини умумтаълим муассасалари ва айrim фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Саховат ва қўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби белгилаб ўтилган[5].

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлашда минимал истеъмол харажатлари қийматининг мезон сифатида белгиланиши, мазкур турдаги тўловларни олувчилар сонининг кўпайиши ҳисобига Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилишини белгилаб ўтилган[6].

Ижтимоий ёрдам дастурлари доирасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, кам таъминланган оилаларга болалар нафақасини тайинлаш, давлат мактабгача таълим ташкилотларида кам таъминланган оила фарзандларини тўловдан озод этиш, кам таъминланган оилалар фарзандларини умумий ўрта таълим мактабларида дарсликлар учун ижара тўловларидан озод этиш, умумий ўрта таълим мактабларида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун кийим-бош бериш, айrim фанларни ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда кам таъминланган оилалар ўқувчиларини овқатланиш харажатларидан озод этиш масалалари аниқ белгилаб берилган[7].

**Таҳлил ва натижалар.** Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга увофиқ, Ўзбекистон Республикаси худудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам. Ҳамда ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсацияни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилаб берган.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш шартлари қандай?

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, оиланинг ҳар бир

аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад 440 минг сўмдан ошмаганда, оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади[8].

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади. Бунда фуқароларнинг мурожаат қилиши, хар ойнинг 16 санасигача, Фуқаролар яшаш жойи бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига, яъни маҳалла фуқаролар йиғинига аризани тақдим этади. Бунда тўғридан тўғри Пенсия жамғармасига ариза тақдим қилиш мумкин эмас.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. паспорт (ёки ID-карталар);
2. никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома;
3. бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.

Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризачига қайтарилади. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи ҳар беш кунда, бироқ ойнинг 19-санасига қадар ҳужжатларни Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. Аризаларни дастурга киритиш жараёни, Пенсия жамғармаси масъул ходими томонидан, ҳар куни, бироқ жорий ойнинг 26-санасигача аризалар дастурга киритади.

Аризалар қуйидаги холларда рад этилади:

- оиланинг ҳар бир аъзосига белгиланган меъёр (440 минг сўм)дан юқори даромади мавжуд бўлганда;
- 2 ва ундан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотуар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- оила аъзоларининг ўз номига расмийлаштилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган техник холати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси бўлганда;
- ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган юқ ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юқ ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва яrim тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;
- 2 ёки ундан ортиқ техник холати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва оила аъзоларининг тижорат банкларида депозит ҳисоб рақамларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорда маблағлар мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва оила аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорларда қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;
- Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати қўмитаси ҳамда уларнинг

тизимидағи ташкилотлари хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари, шунингдек, пенсионерлари томонидан аризалар тақдим этилганда;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги Низомга асосан пенсиялар билан таъминланганда;

– оиласда меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;

– оиласда охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг ишга доир таклифини икки ёки ундан ортиқ маротаба рад этганда;

– даромаднинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги 6 ой мабойнида иш излаб меҳнат органларига хисобда турмаган, ўзини-ўзи банд шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиласнинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

“Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оиласлар (шахслар) қўшимча хужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонунчилик хужжатларида ушбу тоифадаги оиласлар (шахслар)га белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидир. Бунда қонунчилик хужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёзларни олиш учун “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали З дақиқа ичida ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади.

Ушбу маълумотнома оила (шахс) “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб ўн икки ой давомида амал қиласди. Агар битта оила сўнгги 12 ой давомида кетма-кет “Ягона реестр” АТ орқали бир неча маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган бўлса, бунда маълумотноманинг амал қилиш муддати ушбу оила охирги маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошланади.

Оила (шахс) “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ушбу Низомга 1а-иловага мувофиқ схема бўйича тақдим этилади. Маълумотнома тақдим этилганлиги учун йигим ундирилмайди.

Ижтимоий нафақани тайинланганлиги, тайинлашни рад этилганлиги ёки аризалар кейинги ойда қайта кўриб чиқиши учун (кутиш рўйхатига) ўтказилганлиги, инсон омили аралашувисиз “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланади.

2021 йил ноябр ойидан “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланган кам таъминланган оиласларга болалар нафақаси 18 ёшгача бўлган фарзандлар учун 12 ойга тўланади. Фарзандсиз ёки 18 ёшдан ошган фарзанди бўлган оиласлар учун, кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам 6 ой муддатга 380 минг сўм миқдорда тайинланади.

Бунда нафақа миқдори болалар сони ва ёшига боғлиқ бўлади.

Битта болали оиласга, 3 ёшгача боласи бор оила учун 325 минг сўм, агар 3 фарзанди ёшдан катта бўлса 250 минг сўм тўланади.

Икита болали оиласа, 3 ёшгача боласи бор оила учун 475 минг сўм, агар фарзанди 3 ёшдан катта бўлса 400 минг сўм тўланади. Яъни иккинчи фарзанди учун 150 минг сўм қўшилади.

Учта болали оиласа, 3 ёшгача боласи бор оила учун 575 минг сўм, агар фарзанди 3 ёшдан катта бўлса 500 минг сўм тўланади. Яъни учинчи фарзанди учун 100 минг сўм қўшилади.

Тўртта болали оиласа, 3 ёшгача боласи бор оила учун 675 минг сўм, агар фарзанди 3 ёшдан катта бўлса 600 минг сўм тўланади. Яъни кейинги фарзандлари учун 100 минг сўм қўшилади[9].

Германияда бола ва ота-она нафақалари ва ишсизлик нафақалари учун асосий молиявий имтиёзлар келтириб ўтилган.

Оила (уй хўжаликлари) таркибига қараб:

Ёлғиз кексалар - 502 евро.

Вояга етган шериклар учун стандарт тариф ҳар бири учун ойига 451 евро.

14 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар учун - 376 евро.

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун - 311 евро.

5 ёшгача бўлган болалар учун нафақа - 285 евро.

18 ёшдан 24 ёшгача бўлган, ота-онаси билан ёки алоҳида яшайдиган ёшлар учун - 360 евро[10].

Болали оилаларга нафақа тайинлашда оила аъзоларига тўғри келадиган даромадларни ҳисоблаш мавжуд. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртacha бир ойлик даромаднинг юқори чегараси 440 минг сўм этиб ўрнатилган. Буни ҳисоблаш тартиби, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртacha бир ойлик жами даромад, мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охирги уч ой учун ҳисобланади ва оила аъзолари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Мисол учун оиланинг расмий даромади 2 миллион сўм. Оила сони 4 нафар. 2 миллион сумни оила сонига бўлсак 500 минг сумдан тўғри келади ва 440 минг сўмдан ошганлиги сабабли нафақа тайинлаш рад этилади. Агар оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан банд бўлиб ўртacha ойлик даромади 440 минг сумдан кам бўлса ушбу оила учун нафақа тайинланади. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш мезони 440 минг сўмга tenglashтирилмоқда ва жорий йилнинг январ ойидан минимал истеъмол харажатлари миқдорига tenglashтирилади. Яъни жорий ойда минимал истеъмол харажатлари миқдори қанча белгиланса, мезон хам шунча миқдорда бўлади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам туман (шаҳар) бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харажатларнинг тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс эттирган ҳолда тўланади. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамнинг ҳар бир тури бўйича АТ "Халқ банки"нинг бўлими (филиали)да алоҳида банк ҳисобвараклари очилади. АТ "Халқ банки"нинг бўлими (филиали) ҳар ойнинг охирги кунига қадар жорий ой учун, шунингдек, йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар бюджетга қайтарилиши ҳақида электрон маълумотларни болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар бўйича "Ягона реестр" АТга белгиланган тартибда тақдим этади.

Туман (шаҳар) молия бўлими болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови учун маблағларни Ягона ғазначилик ҳисобварагидан тўлов рўйхат (ведомост)лари бўйича

тайинланган суммалар доирасида маҳаллий бюджет даромади тушумидан келиб чиқиб, бироқ бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлашга ойнинг 4-санасидан бошлаб, бироқ тўлов амалга ошириладиган ойнинг 25-санасидан кечикмай АТ “Халқ банки”нинг маҳсус ҳисобварағига алоҳида тўлов топшириқномалари билан ўтказади.

Маблағлар Ягона ғазначилик ҳисобварағидан тегишли ғазначилик бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови бўйича АТ “Халқ банки” бўлимлари (филиаллари) кўрсатадиган хизматлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан АТ “Халқ банки” ўртасида тузиладиган шартнома асосида ҳақ тўланади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдори болалар нафақаси ва моддий ёрдамга ажратиладиган маблағлар доирасида АТ “Халқ банки” томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун назарда тутилган бюджет маблағлари туманлар (шаҳарлар) ўртасида ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оиласалар сони ҳамда туман(шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ушбу оиласаларнинг таркиби ва олдинги даврлар учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда тақсимланади.

**Хуроса ва таклифлар.** Умуман олганда, Ўзбекистонда ижтимоий шартнома ижтимоий ахлоқнинг кўп асрлик тамойилларига асосланган. Шу нуқтаи назардан, мамлакатдаги камбағалликни бартараф этиш йўлларидан бири бўлган ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш фақатгина комплекс ёндашувлар орқали амалга оширилиши мумкин. Айтиш жоизки, юқоридаги ўзгаришлар, аҳолига яратилган шароитлар ва олиб борилаётган оқилона чора-тадбирлар одамларни манзилли ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга олиб чиқади. Мазкур йўналишдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш лозим.

Ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати инспекцияси ва Пенсия жамғармасининг ички аудит хизмати томонидан назорат қилинади. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига тегишли ахборот автоматлаштирилган режимда фақат “Ягона реестр” АТдан олинидиган ва таҳлил қилинадиган маҳфий ахборот ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёнида техник носозликлар ва узилишлар юзага келган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги алоҳида ахборот тизимларидаги маълумот алмашинувини тегишли тизимлар тўлақонли қайта ишга тушгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш ҳамда оиласаларнинг кам таъминланганлигини автоматик тарзда аниқлаш алгоритмига ўзгаришиш киритиш ҳуқуқига эга.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш бўйича аризаларни “Ягона реестр” АТга белгиланган тартибда ва ўз вақтида киритиш бўйича — Пенсия жамғармаси бўлими раҳбарига ҳамда, маҳсус ҳисобварақлардаги маблағлар ўз вақтида

ва тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳамда олувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган маблағларни тегишли маҳаллий бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш бўйича — туман (шаҳар) АТ “Халқ банки” бўлими раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланди.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.
2. Шолдаров PhD, Дилшод. " Development of the education system in the digital economy on the basis of public-private partnership." International Finance and Accounting 2021.2 (2021): 2.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси”. 2022 йил 20 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6277-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 августдаги “Кам таъминланган оиласар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидағи куни узайтирилган гурухларда ўқишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 523-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-128-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сон Фармони.
8. Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган Кам таъминланган оиласарга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оиласар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ6277-сон Фармони.
10. <https://ru-geld.de/benefis/>

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº 9 (3) – 2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).